

Семинар 2013 йил июл ойнинг биринчи декадасида Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс Маркази 2-қават ўқув залида бўлиб ўтади.
(аниқ муддат қўшимча эълон қилинади)

СЕМИНАР КУН ТАРТИБИ:

9:00-10:00 - иштирокчиларни рўйхатга олиш
10:00-12:00 - семинарнинг очилиш маросими ва ялпи мажлис
12:00-13:00 - тушлик
13:00-15:00 - шўба йиғилишлари
15:00-16:00 - якуний хулосалар ва семинарнинг ёпилиши



UnIvEnt манзили:

Ўзбекистон Республикаси Фарғона шаҳри, 150100,
Мураббийлар кўчаси 19- уй, Фарғона давлат университети, маъмурий бино, 2-қават, 19-хона

Телефонлар: +998 (91) 660-59-58
+998 (90) 583-30-98
+998 (90) 631-75-20
+998 (90) 561-08-39
+998 (90) 290-66-52

e-mail: univent-conf-2013@mail.ru

web-site: www.tempus-univent.eu

Ташкилий қўмита

Маълумот учун:

Семинар тўпламининг ўз вақтида тайёрланиши ва нашр этилишини таъминлаш мақсадида мақола ва тезисларни куйидаги талаблар асосида тайёрлаб, ташкилий қўмитага 2013 йил 29 июнгача жўнатишингиз сўралади:

- Матн А4 форматда ҳамма томонидан 2,5 см қолдирилган ҳолда Times New Roman шрифтида 12 кегль катталиқда қаторлар орасида 1,5 интервалда 2 бетгача бўлган ҳажмда ёзилади. Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланиши мумкин (ўзбек, рус ва инглиз тилидаги аннотация бўлиши шарт),
- Мақола номи ўртада бош ҳарфларда ёзилади, кейинги қатор бўш қолдирилади, сўнг муаллифларнинг исми шарифи, илмий унвони, иш жойи, электрон манзили ва телефони, бир қатор қолдирилади ва кейинги қатордан матн бошланади.
- Мақола ва тезисларга киритилган жадвал ва схемалар 10 кегль катталиқда, жадвал ва диаграммалар Microsoft Excel (Office 2003, 2007, 2010) дастурида тайёрланиши тавсия этилади.
- Мақола ва тезисларда инновациялар тафсилоти, қўлланилиш соҳаси ва натижалари ҳақида маълумотлар берилиши лозим.
- Мақола ва тезислар тўпламга танлов асосида киритилади.
- Мақола ва тезислар электрон вариантда кўрсатилган электрон манзилда қабул қилинади (univent-conf-2013@mail.ru)
- Дастурга киритилган маърузалар учун Power Point (Office 2003, 2007, 2010) дастурида тақдимотлар тайёрланиши шарт.
- Семинар тўпламида мақолаларнинг чоп этилиши лойиҳа маблағларидан амалга оширилади. Қатнашчиларнинг сафар харажатлари ташкилий қўмита томонидан қопланмайди.



Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

Фарғона давлат университети

Фарғона политехника институти

UnIvEnt - «Ишлаб чиқариш
корхоналарида инновацияларни
тадбиқ этиш борасида
университетларнинг ролини
кучайтириш» TEMPUS лойиҳаси
доирасида

ЯКУНИЙ
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
СЕМИНАР

ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ЎРТАСИДАГИ
ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИК -
МОДЕРНИЗАЦИЯ АСОСИ
СИФАТИДА

Фарғона-2013

Хурматли ҳамкасблар, тадқиқотчилар ва тадбиркорлар!

Сизни TEMPUS дастури доирасидаги UnIvEnt - “Ишлаб чиқариш корхоналарида инновацияларни тадбиқ этиш борасида университетларнинг ролини кучайтириш» лойиҳасининг якунланишига бағишланган 2013 йил июль ойида ўтказиладиган «**Фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорлик - модернизация асоси сифатида**» мавзусидаги якуний халқаро илмий-амалий семинарда иштирок этишга таклиф этамиз.

Якуний семинар мақсади:

- Олий ўқув юртларида инновацион муҳитни такомиллаштириш орқали ишлаб чиқаришга инновацион ғояларни трансфери натижавийлигини ошириш.

Якуний семинар вазифалари:

- Корхоналар ва тадбиркорларнинг инновацияларга бўлган талабини ўрганиш ва уни қондириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Олий ўқув юртларида инновациялар трансфери жараёнини мақсадли йўналтиришнинг самарали моделини шакллантириш бўйича амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Университетларда яратилган Инновациялар Трансфери Марказлари фаолиятини “Фан – таълим – ишлаб чиқариш” боғланишини янги босқичга олиб чиқиш ва таълим жараёнини корхоналар ва тадбиркорлар буюртмаси асосида ташкил этилиши доирасида йўналишларни белгилаш.

Семинар куйидаги шўъбалар бўйича иш олиб боради:

- *олий ўқув юртларида инновациялар яратиши ва уларнинг трансфери жараёнини самарали ташкил этиши масалалари;*
- *саноат корхоналарида инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиши самарадорлиги;*
- *аграр соҳани интенсив ривожлантиришда инновацияларнинг аҳамияти ва асосий йўналишлари;*
- *хизмат кўрсатиш корхоналарида инновациялардан фойдаланиш жараёнларини самарали бошқариш;*
- *олий ўқув юртларида таълим жараёнига инновацион таълим технологияларини жорий этиши.*

